

АЛЛЕРГИК РИНИТ ВА БРОНХИАЛ АСТМА  
КОМБИНАТЦИЯСИДА (United Airway Disease) КЛИНИК КЕЧИШ  
ХУСУСИЯТЛАРИ

Очилов Фархад Эшмаматович

Навоий давлат университети табиий фанлар ва тиббиёт факультети  
клиник фанлар кафедраси аллергология фани ўқитувчиси. *Ўзбекистан, Навоий  
шаҳри, 210100*

Аллергик ринит ва бронхиал астма кўп ҳолларда биргаликда учрайдиган ва ягона патогенетик механизмлар орқали ривожланадиган касалликлар ҳисобланади. Замонавий тиббиётда бу ҳолат **United Airway Disease (UAD)** концепцияси доирасида қаралади.

Ушбу тадқиқотда аллергик ринит ва бронхиал астманинг клиник кечиши, патофизиологик хусусиятлари ҳамда уларнинг ўзаро боғлиқлиги таҳлил қилинди. Аниқланишича, ҳар икки касалликда IgE-боғлиқ иммун жавоб, Th2-тип цитокинлар (IL-4, IL-5, IL-13), эозинофиллар фаоллашуви каби умумий яллиғланиш механизмлари иштирок этади. Бу эса юқори ва пастки нафас йўлларида бир вақтда патологик ўзгаришлар ривожланишига олиб келади.

Клиник жиҳатдан UAD ҳолатида беморларда бурун битиши, ринорея, аксириш билан бирга йўтал, хансираш ва кўкракда қисилиш каби симптомлар кузатилади. Аллергик ринит мавжудлиги бронхиал астманинг оғирлашувига ва назоратининг қийинлашишига сабаб бўлади.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, UAD ҳолатида диагностика комплекс ёндашувни талаб қилади. Спирометрия, риноскопия, аллергопробалар, IgE даражаси ва FeNO кўрсаткичларини биргаликда баҳолаш муҳим аҳамиятга эга.

Муолажада эса интеграцияланган ёндашув самарали ҳисобланади. Унга ингалицион ва назал глюкокортикостероидлар, антигистамин препаратлар, лейкотриен антагонистлари ва аллерген-специфик иммунотерапия киради. Оғир ҳолатларда биологик терапия қўлланилиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, аллергик ринит ва бронхиал астмани ягона касаллик сифатида баҳолаш, уларни комплекс диагностика ва интеграцияланган даволаш орқали назорат қилиш беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашда муҳим аҳамиятга эга.